



ИНСОН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 25 октябрь, жума № 169 (1386)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВЕНГРИЯ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Венгрия Республикаси Президенти Ференц Мадл тақлифига биноан 2002 йилнинг 27-29 октябрь кунлари расмий ташриф билан Венгрияда бўлди.

Ташриф давомида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳоли ва ривожлантириш истиқболлари ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама этиш, шунингдек, қатор муҳим битимларни имзолаш режалаштирилмоқда.

«Турон-АС-23» автокорхонаси Навоий вилоятида энг самарали ишлаётган корхоналардан. Худуддаги бошқа автокорхоналарда иш суръати сезиларли пасайган бир пайтда бу ерда кўзда тутилган 222.240 минг сўм ўрнига 287.774 минг сўм даромад олинди. Ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги яхшиланиб, ойлик маош 54 минг сўмдан ошди. Ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида яхшиланди.

Хиссадорлик жамияти бошлиғи Қосим Холиқов билан бўлган суҳбатимиз мавзуси ҳам ана шу ҳақда, яъни корхонанинг бугунги ҳаёти, одамлар онгида ва турмушида бўлаётган ўзгаришлар, янгилаш ва фикрлаш ҳақида борди.

— Ишни борини авайлаб, йўғини яратиш йўлидан бошладик, — деди Қосим Холиқов. Дастлабки кунлар ёқилғи олиш учун ҳафталаб нефт корхонаси эшигида саргайишимизга тўғри келди. Меҳнатга бўлган муносабатни ўзгартириш учун дастлабки қадам қўйилди. Шартномани қайтадан ўқиб чиқиб, мавжуд «Икарус», «Белда», «ЛАЗ» сингари йўловчи ташувчи автомашина ҳайдовчиларига манфаатли ўзгариш киритдик. Узаро келишувга

биноан агар 160 ҳайдовчи шартнома шартларини мунтазам бажариб борса, беш йилдан сўнг ўзи бошқарган машина унга шахсий мулк сифатида сотиладиган бўлди. Бу тез фурсатда ижобий самара берди. Машиналарнинг тез-тез «касал»га чалиниши қамайиб, иш унуми ортди, сарф-харажат қисқарди.

— Раҳбар сифатида қабул кунларига ҳам ўзгариш киритгандирсиз?

— Батамом барҳам бериб қўяолдик. Марҳамат, ҳар бир ишчи истаган вақт, истаган соатда келиш. Муаммоларини ҳал қилишга, даввоси асоси бўлса, айбдорларни жазолашга тайёрми. Менимча, қўл остидагилар билан очик мулоқотдан кўрқадиган раҳбарнинг бир балоси бор. Хар бир ишчи син-

гари раҳбар ҳам жамоа олдиди ҳисоб бериши лозим. — Айтгандай, 364 нафар ишловчининг бажарган ишларини кундалик дафтаришга қайд қилиб борар экансиз. Бу зерикарли машғулот эмасми?

— Ким қайси йўналишда корхонага қанча фойда келтирди, ёқилғи сарфини оширгани-ю, йўловчи ташуви режасини барбод қилганини билишининг нимаси ёмон. Бу ерда ҳатто ҳар бир ходимнинг турилган кунуно, талаб ва истақларига акс этган.

Корхонамизда йўловчи ташувидан келаётган кунлик даромад 200-300 минг сўмга кўпайди. Бунда жамоамиз ҳар бир аъзосининг муносиби ҳиссаси бор. — **Автокорхонангиз қошида кичик сут заводи ҳам иш бошлабди...**

— Йўқ сут заводи бизга тегишли эмас. Худудимиздан ижарага жой сўрашган эди. Ташландиқ бўлиб ётган майдонни ажратдик. Ўзлари бинойидек бино куриб олишди. Ҳозир бу кичик корхона тўла оёққа туриб олди. «Навийазот», «Электромим» сингари

Ислоҳот мевалари

ни меҳнат таътилига чиқаришда 13.700 сўмдан ёрдам пули бериш йўлга қўйилди. Шаҳардаги «Шифокор» саломатлик маркази томонидан ҳар бир ишчи соғлиғи доимий назорат остига олинган. Ишчилар даволаниши, дори-

— Афсуски, йўқ. Авто-транспорт хизмати замон талабларидан орта қолаётгани кўриниб қолмоқда. Шаҳарлар ва шаҳарларга қатновда қирақаш машиналари «чаққонлик» қилаётганини ҳамма кўриб-билиб турибди. Демак, бу рақобатга тез ва арзон хизмат билан жавоб беришимиз керак. Шунда йўловчининг ўзи қулайини танлаб олади.

Шу мақсадда вилоят «Халқ банки» билан келишган ҳолда 1 миллиард 200 миллион сўмга лизинг асосида «Отойўл» машиналарини олишга келишдик. Ҳозир бу борада дастлабки ишлар қилинди. Бу билан, биринчидан, шаҳар ва атроф туманлар аҳолисига замонавий ва арзон қулайлик яратилса, иккинчи томондан корхонанинг кунлик пуллик хизмати яна 300 минг сўмга ортади. Ҳозир автобусларимиз водийдан бўлак барча вилоят марказлари ва шаҳарларга қатнаётти.

Суҳбатдош: Ялғош САРИЕВ, «Ишон» муҳбири.

АВТОКОРХОНА

ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ОЙЛИК МАОШИ 54 МИНГ СЎМДАН ОШДИ

— Ким қайси йўналишда корхонага қанча фойда келтирди, ёқилғи сарфини оширгани-ю, йўловчи ташуви режасини барбод қилганини билишининг нимаси ёмон. Бу ерда ҳатто ҳар бир ходимнинг турилган кунуно, талаб ва истақларига акс этган. Корхонамизда йўловчи ташувидан келаётган кунлик даромад 200-300 минг сўмга кўпайди. Бунда жамоамиз ҳар бир аъзосининг муносиби ҳиссаси бор. — **Автокорхонангиз қошида кичик сут заводи ҳам иш бошлабди...**

дармон учун маблағ тўлашни корхона тўла ўз зиммасига олган. Масалан, ўтган кун бир бемор учун шифохона ҳисобига 300 минг сўм пул ўтказдик. Ишловчиларнинг дам олиши учун ажратилган маблағ 1 миллион сўмдан ошди. Маҳаллардаги қариялар ҳам доимий этибборимизда. 84 нафар қарияга ош қилиб бердик, ҳар бирига совға-салом улашдик.

— **Автокорхона бугун аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари даражасида ишлаяпти, деб ҳисоблайсизми?**

— Асло, ҳар бир ходим-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ МОСКВАДА СОДИР ЭТИЛГАН ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЁНОТИ

Москвада содир этилган террорчилик ҳаракати натижасида тинч аҳоли орасидан бир неча юз нафар киши гаровда ушлаб турилгани тўғрисидаги хабар Ўзбекистонда чуқур ташвиш ва хавотир билан қабул қилинди.

Ўзбекистон фуқаролар ҳаёти ва хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган ҳар қандай террорчилик ҳаракатини кескин қоралайди. Террорчилик амаллари ва кўрқитиш йўли билан майдонга қўйилган эриш-иш ёки вужудга келган муаммоларни ҳал этишга қаратилган уришлар мутлақо номақбулдор.

Ўзбекистон вужудга келган танглик соғлом фикр асосида бартараф этилиши ва гаровда сақланаётган инсонлар ҳаёти сақлаб қолинишига умид билдиради.

Москвада рўй бераётган воқеалар нафақат МДХ мамлакатларидаги, Россиядаги, балки бутун дунёдаги одамларни ташвишга солмоқда. Москва марказидаги Маданият уйида бир гуруҳ террорчилар юзлаб бегуноҳ одамларни гаровда ушлаб турибди. Москвадаги воқеалар - халқаро террорчилик фаоллашганининг яна бир кўринишидир. Бугунги кунда дунёнинг турли бурчақларида амалга оширилаётган портлашлар, одамларни гаровга олишлар, қотилликлар шундан далолат бермоқда.

Улар кўпуровчи, экстремистик кучларнинг одамлар орасида кўрқув ва ваҳимани кучайтириш, мубайян мамлакатлар ва бутун минтақаларда ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш, узоқни кўзлаган жинсий режаларига эришиш ва бу йўлда тинч аҳоли орасида ҳар қандай қурбонлардан қайтмасликка уришлар билан узвий боғлиқ.


24 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда йиғилиш бўлиб ўтди. Унга барча ҳарбийлашган тузилмалар, шунингдек, аҳоли тинчлиги, оқсоқиллиги ва хавфсизлиги учун бевосита масъул вазирликлар ва идоралар раҳбарлари тақлиф этилди. Йиғилишда мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича қабул қилинган ҳукумат ҳужжатлари ва Президент қарорларининг ижроси билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда барқарор вазият ва одамлар тинчлигини бузишга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни бартараф этиш ва олдини олиш бўйича кечиктириш бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда террорчилик ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадида ҳуқуқ-тартибот идоралари ва ҳарбийлашган тузилмаларнинг профилактика ишларини кучайтириши лозим бўлган аниқ устаклари белгиланди.

Йиғилишда аҳолига хушёрликни ошириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда фаол фуқаролик мавқеини эгаллаш, «Ўз уйингни ўзинг асра!» шиорини ҳаётга татбиқ этишнинг зарурлигини тушунириш муҳимлиги алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан бу масалаларни ҳал этишда ички ишлар идораларининг профилактика бўйича нозирлари ва маҳалла кўмиталарининг масъулиятини ошириш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

(ЎЗА).



Самарқанд галла уруғчилиги борасида катта тажрибага эга. «Улғбек-600», «Ўзбекистон-1», «Ўзбекистон-2» каби тезпишир бугдой навлари ана шу тажриба самарасидир. Айни кунларда Миробод, Пахтачи, Оқдарё, Пойларик ва Самарқанд туманларидаги қариб 13 минг гектар майдонга мазкур уруғ навлари экилди. Қўшни вилоятларга ҳам сифатли уруғ етказиб берилмоқда.

Суратларда: Самарқанд туманидаги уруғлик саралаш корхонаси фаолиятдан лавҳалар.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг иккинчи қаҳриқ Олий Мажлисининг IX сессиясидаги маърузасида баён этилган вазифалардан келиб чиқиб,

«Халқ сўзи» - «Народное слово», «Правда Востока» газеталари, «Матбуот тарқатиш» акциядорлик уюшмаси, Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси мамлакатимиз журналистлари орасида

«ЎЗБЕКИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР» - МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ СИЙМОСИДА»

мавузида энг яхши публицистик асарлар танловини эълон қилди.

- Мустақиллик энг азиз ва энг улғуньям эканлиги;
 - истиқлол йилларида мамлакатимизда юз берган ва бераётган ҳаётбахш ўзгаришлар, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасининг йил сайин гузаллашиб ва кўркамлашиб бораётгани;
 - кишиларимиз тафаккуридаги ўзгаришлар;
 - мустақиллик йилларида эришилган мислисиз ютуқларнинг кишиларимиз тақдирини унутилмас ва ўчмас из қолдираётгани;
 - тиниб-тинчимас, эзгу мақсадлар билан ёниб яшаётган юртдошларимиз онгу тафаккуридаги ўзгаришларнинг бош илҳомини истиқлол эканлиги;
 - фидойилиги ва ташаббускорлиги билан барчага ўрнак, намуна бўлаётган ажойиб замондошларимиз сиймосида Ватанимизнинг буюк келажаги акс топаётгани
- эркин буюқларда, янгидан-янги шаклларида ва таъсирчан услубларда таран-

Тел: 144-64-62, 144-37-87
Танловга марҳамат, азиз журналистлар!

ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

24 октябрь бутун дунёда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кун сифатида нишонланади. БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида бўлиб ўтган матбуот анжумани шу санага бағишланди.

Ўзбекистон 1992 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди ва шу даврдан буён турли халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда, дея таъкидлади матбуот анжуманида БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Ричард Конрой. БМТ Бош қотиби Кофи Аннанинг республикамизга ташрифи ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан учрашуви ҳамкорликка янги туртки бўлди. Ташриф давомида 2000 йил сентябрида Мингйиллик саммитида қабул қилинган ривожланиш соҳасидаги қарорларнинг қўллаб-қувватланиши яна бир бор таъкидланди. Бугунги кунда БМТнинг асосий тамойили минг йиллик мақсадларини амалга ошириш борасида қўллаб-қувватлаш ташкилотлар сўй-ҳаракатлари ва имкониятларини бирлаштиришдир. Уларнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган дастур ва лойиҳалари мамлакат ҳукумати билан мувофиқлаштирилган ва республика вазирлик ҳамда идоралари билан яқин ҳамкорликда олиб

борилмоқда.

Сўнги вақтда БМТнинг қатор йирик бўливлари ва агентликлари билан бундай ҳамкорлик аниқсиз жадал ривожланмоқда. Улар орасида ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Аҳолишунослик жамғармаси (ЮН-ФПА), Жаҳон соғлиғини сақлаш ташкилоти ва бошқалар бор. Улар соғлиғини сақлаш, таълим соҳаларидаги ислохотлар, демократлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни, Орол минтақаси экологик муаммоларини ҳал этишга қўллашмоқда. Масалан, БМТ ташкилотлари Соғлиғини сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастури, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури аналга оширишда салмоқли ёрдам кўрсатмоқда. Бу эса ўз самарасини бермоқда. Жумладан, сўнги ўн йилликда Ўзбекистонда болалар ўлими қаммаймоқда, оналик ва болалик муҳофазаси яхшиланмоқда, соғлиғини сақлаш тизимининг биринчи бўлини, шовилчин тиббий ёрдам кўрсатиш соҳаси режалари равишда ислоҳ қилинмоқда, ўсиб келаётган авлодга таълим ва тарбия бериш халқаро меъёрларга мослаштирилмоқда. Биргаликдаги сўй-ҳаракатлар билан соғлом турмуш тарзи тарғиб этил-

моқда, шу жумладан ОИТС ва гивҳандлик каби дахшатли касалликларнинг олдини олиш тизими ривожланмоқда. Матбуот анжуманида хабар қилингандек, октябрь ойидан бошлаб Ўзбекистон ҳукумати қўманди вакили шафёблигида яна бир қўшма дастур амалга ошириш бошлади. Унинг вазифаси - Термиз-Хайратон чегара пункти фаолиятини тақомиллаштиришга қўллашмоқда. Бу пункт Афғонистонни тиклаш жараёнида муҳим ўрин тутди. Икки ойга мўлжалланган дастурнинг мақсади республика чегара ва боқона хизматлари ходимлари касбий малакасини, уларнинг бу соҳада қўлланадиган халқаро ҳақида ва амалиётлар тўғрисида хабардорлигини оширишдан иборат.

Матбуот анжуманида иштирок этган ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Майкл Барри Лейн, Жаҳон соғлиғини сақлаш ташкилотининг республикамиздаги ваколатхонаси раҳбари Арүн Нанда, БМТнинг Наркотикларни назорат қилиш ва жиноятчилигини олдини олиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий вакили Антонелла Денелла, БМТнинг Ўзбекистондаги бошқа бўливлари вакиллари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

А.ИВАНОВА, ЎЗА муҳбири

Қашқадарёнинг бошқа вилоятлар ўртасида тутган ўрни, салоҳияти чексиз. Мамлакатимизда қазиб олинаётган нефт ва газнинг асосий қисми Қашқадарёга тўри келади. Чунки бу ерда «Муборакнефтьгаз», «Шўртангаз» каби йирик саноат даргалари мавжуд. Пахта ва ғалланинг ҳам энг кўп қисми айти шу вилоятда етиштирилади.

Айниқса, бу йил вилоятнинг омади чопди. Ғалладан мўл ҳосил етиштирилиб, режа ортиги билан бажарилди. Шу йилнинг 18 октябригача бўлган маълумотларга қараганда топширилган пахта 400 минг тоннага яқинлашиб қолди. Бошқача айтганда, қашқадарёликлар бу борада маррани забт этти арафасида. Бунга биринчидан бободехқонларнинг машаққатли меҳнати билан эришилди. Иккинчидан, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, Қашқадарё ҳокимга ёлчи. Нимага деганда, деҳқонларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини таъминлаб, меҳнатни тўғри ташкил этиш кўп жиҳатдан биринчи раҳбарга боғлиқ. Учинчидан, қишлоқ хўжалигининг асосий қисмига хизмат кўрсатаётган «Пахта Банк»нинг ҳиссаси катта бўлди. Масалан, Молия вазирлиги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан жорий йил пахта ва ғалла ҳосили учун шу кунгача тушган 43 миллиард сўмдан зиёд маблағ «Пахта Банк» орқали қишлоқ хўжалик корхоналарига тўлаб берилди. Бу эса ўз навбатида деҳқонларнинг техника, эҳтиёт қисми, минерал ўғит ва бошқа харажатларга бўлган эҳтиёжини қондирди. Экинларга ўз вақтида ишлов берилиб, мўл ҳосил етиштирилди.

— Вазирлар Маҳкамасининг «2002 йил пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мавсум муваффақиятини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди «Пахта Банк»нинг вилоят бошқармаси бошлиги Саид Тошниево. — Унда пахта йиғим-терим қатнашчиларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида хўжаликлар далаларидаги мавжуд ҳосилга қараб табақалаштирилган ҳақ тўлаш тавсия қилинган. Хусусан, қўлда

мақсадга мувофиқ сарфланишни назорат қилиб бормоқда. Халқимизда минг марта эшитгандан кўра бир

Қарор ва ижро

Ха, моддий манфаатдорлик бор жойда иш олга кетаверади. Терилган пахтага тўланадиган ҳақ даланинг ўзида тар-

рини енгиллаштириш ва уларни ахборотлар билан таъминлаш мақсадида бошқарма ва унинг бўлимларида ишбилармонлар бурчаги ташкил этилган. Унда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, кредит бериш бўйича йўриқномалар, уларни расмийлаштириш тартибларининг намуна нусхалари акс эттирилган. Барча бўлимларда «Ишонч» телефонлари ишлаб турибди. Тадбиркорларнинг озгаси биринчилардан бўлиб кирдирилди. Ховли-жойлар, маҳалла, йўл четлари, хиёбонларни гулзорларга айлантиришди.

Фотимахон Мамажоновалар оиласи ибрат бўлмоқда. 16 сотихли томорқа ҳовли жаннатомон гушга айланган. Бу ерда 165 турдаги гул маҳаллийлаштирилиб, парваришланмоқда. Хитойнинг «Салвия» деб номланган қизил, оқ, сариқ гуллари Хиндистон диёридан келтирилиб хонақалаштирилган пенагуллар, баҳамалдек мулоҳим гултожиҳўроз навлари ёқутдек товланиб кўзларни қувонтирмоқда.

АҚШнинг Техас штатида таълим олаётган талаба Авазбек Мамажонов ҳам гул шайдоларида. У ўзи билан хориздан келтирилган 25 хил Америка гуллари Ақшнинг шароити иқлимга мослаштирибди. Чатиштирилган янги навлар уруғини Ербоши қишлоқ аҳолисига бепул тарқатибди. Асақалиқар азалдан гул ва ободончиликлар ишқибози. «Намунали хонадон», «Аҳил оила», «Гул гузаллик рамизи», «Қариси бор уйнинг париси бор» кўрик-танловларини ўтказиш туманда аънаъга айланган қолган. Туманда боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оилалар, фахрий

Биздан озод ва обод Ватан қолсин

АНДИЖОН ГУЛЛАРИ

Гулзордаги гузаллик кўзларга, ундан-далларга кўчиб, сайру саёҳатга чоғланиб йўл юрсангизда, мўл юргангиз келади. Қашқадарёга гуллар поёндоз бўлган ораста йўлларда дарёдек шошаётган машиналар оқимида бораркансиз, беихтиёр ўтмиш ёдга келади. Бу йўлларда бир замонлар гул ўрнида янтоқ, асфалт ўрнида чанг-тузонлар бўлганлигини унутиб бўлармиди.

Қадимдан йўл солиб, кўприк қурган эл-элат гуллаб-яшнаганига тарих гувоҳ. Вилоят ҳокимлигининг «Андижонни гуллар вилоятига айлантирайлик» шiori остида махсус фармойиш билан кўрик-танлов эълон қилинганлигининг боиси шундан. Бу давлатта Андижон туманининг Ербоши қишлоқ аҳолиси биринчилардан бўлиб кирдирилди. Ховли-жойлар, маҳалла, йўл четлари, хиёбонларни гулзорларга айлантиришди.

Бўз туманидаги йўлларни кенгайтириш, кўкalamзорлаштириш ва ободонлаштириш орқали экологик муҳитни яхшилаш ишлари таҳсинга лойиқ. Зеро, бу савобли юмушлар турмуш фаровонлигини, меҳнат аҳлининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга хизмат қилмоқда. Мавжуд 8та фуқаролар йиғини худудларда ободончилик гуруҳлари фаоллаштириб кўрсатмоқда. Маҳалла оқсоқоллари бу ишларга бош-қош, хонадон, маҳалла, кўчалар саронжом-сарилталлиги фаоллар назоратида.

Кейинги йилларда Андижон шаҳрининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда. Алишер Навоий номи маданият ва истироҳат боғи, «Хотира» майдонидаги гулзорлаштириш, кўкalamзорлаштириш ишларида «Андижонёғ» ҳиссасдорлик жамияти, «Биоким» корхонаси, вилоят нефт маҳсулотлари ҳиссасдорлик корхонасининг улуши катта. Вилоят йўлларини қайта қуриш ва таъмирлаш ишига вилоят коммунал қурилиш-идораси «Андижонтранс» уюшмаси, «Андижонвилот» уюшмаси «Андижонавтойул» бирлasmаси, «Андижоншаҳарэлектрчирик» жамoалари, «Аҳси» шағал саралаш ҳамда Хўжабод асфалт-бетон заводлари фидокорлари ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

НОГИРОН БОЛАЛАРГА ЁРДАМ

Тошкент вилояти Тошкент туманидаги «Гулистон» маҳалласи ҳошида ва «Шамсубод» ҳамда «Янги ҳаёт» маҳаллалари учун бирламчи тиббий-иктимоий тиклаш пунктини ташкил этиш» лойиҳаси тугаллангани муносabати билан давра сўбати ўтказилди.

Мулоқотда «Фалажга мубало ноғирон болалар ва ўсимларга ёрдам» жамoатчилиги маркази ва унинг Тошкент тумани бўлими вакиллари қатнашди.

Марказ директорининг ўринбосари, лойиҳа раҳбари Пётр Барабашининг «Тошкент-пресс» мухбирига айтишича, мазкур пунктни очиш гоғис марказ раиси Дилшар Қурбоновдан чиққан. У 2000 йилда Францияга бориб, фалаж ҳасталиғига чалинганлар уюшмасида бўлганда болалар ва катта ёшдаги ноғиронларни даволаш борасидаги бирламчи тиббий-иктимоий пунктларда ҳамкасблари эришган аjoyиб натижаларни кўрганди.

Ўзбекистонда ҳам шунга ўхшаш муассасалар ташкил этилди. Илк лойиҳани амалга ошириш учун юқорида номли ағал этилган маҳаллалар ташаббуслари Лойиҳа Қауунтерепт конкордиуми халқаро ташкилотини томонидан қўриб чиқилиб, тасдиқланди. Тиклаш пункти физיותרрапия усуллари билан жиҳозланди, шунингдек бу ерда ноғирон болаларнинг ота-оналари учун семинарлар ўтказилди.

БЕПУЛ ТУШЛИК

Навоий вилоятидаги деҳқон қурилиш бошқармасига қарашли «Фарход» шўъба корхонасида жорий йилда меҳнатга ҳақ тўлаш тўдан яхшиланди. Ишловчиларнинг ўртача ойлик маоши 40 минг сўмга етди. Уларни мўла ижтимоий ҳимоялаш мақсадида бепул ва сифатли овқат билан таъминлашга 1 миллион 200 минг сўм сарфланди. Ўтган давр ичида зарарли ишда ишловчиларнинг сўт-қатиқ билан мунтазам таъминланиши йўлга қўйилиши билан бирга, уларни моддий-маънавий рағбатлантиришга 2,5 миллион сўм ажратилди.

Кам таъминланган оилалар корхона касабa уюшма кўмитаси томонидан алоҳида эътиборга олинган. Яқинда бу ерда ана шундай оила фарзандларидан тўрт нафарининг суннат тўйлари ўтказилди. Шунингдек, Қизилтепа туман «Қўрлар» жамиятининг маъмурий биноси бепул таъмирлаб берилди. Буларнинг барчаси корхонада қурилиш-монтаж ишлари намунали ташкил этилаётганининг самарасидир. Жамoа йилнинг ўтган даври мобайнида режадаги 56 миллион сўмлик ўрнига 62 миллион сўмлик иш бажарди. Нурота туманидаги касб-хунар коллежи, Қизилтепадаги 12 квартиралар турар-жой биносининг қурилиши, Тошпўлат Ҳамид номли 13-мактабни жорий таъмирлаш ишларида корхона ишчилари муносиб улуш қўшилди. Пардозловчи Анвар Саидов, Ихтиёр Шодиев, Дилмурод Аминов, пайвандловчи Алишер Нуралиев, Иқром Равшановлар номли эл оғзига тушди.

С. ЯРАШЕВ.

Жиззах тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати раҳбари С.Сулаймонов кимё фани ўқитувчиси Тўракул Ҳасановни шу йилнинг 5 июнида 117-сонли буйруғи билан Меҳнат Кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 3-бандига мувофиқ вазифасидан озод қилди. Шундан сўнг Т.Ҳасанов ҳақ-хуқуқини тиклаб беришларини сўраб вилоят касабa уюшмалари Кенгашига мурожаат қилди. Ариза вилоят маданият ходимлари касабa уюшма кўмитаси раиси Ф.Ҳамзаев ҳамда вилоят касабa уюшмалари Кенгаши бош ҳуқуқ маслаҳатчиси Ш.Тожибоевларга юқлатилди.

— Ариза мазмунини ўрганиш жараёнида галати ҳолга дуч келдик, — дейди ҳуқуқшунос Ш.Тожибоев. — Вилоят тармок кўмитаси раиси Ф.Ҳамзаев менга тақдим қилган Жиззах тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати жамoа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни касабa уюшма кўмитаси розилиги билан амалга ошириш белгиланган эди. Лекин лицей-интернат раҳбари қўлидаги жамoа шартномаси нусхасида шу муҳим бандини ўзбoшимчалик билан асосиз чизиб қўйганди. Шунда раҳбарга қўлимдаги нусхасини, ундаги раҳбар имзоси ҳамда ташкилот муҳрини кўрсатганимда, у тан олди. Жамoа шартномасини Ф.Ҳамзаев қўлига қайтариб бердим. Орадан кўп вақт ўтмай «жамoа шартномаси лицей-интернатда тузилмаганга чикиб қолди.

Мазкур ариза асосида лицей-интернат раҳбарига масалани қонуний қўриб чиқишлари учун тақдимнома киритилди. Жамoа шартномаси йўққа чиққан (тўғрироғи йўқотилган), вилоят касабa уюшмалари Кенгаши тақдимномасига қўлидаги мазмунда жавоб йўланди: «Лицей-интернат маъмурияти билан лицей касабa уюшма кўмитаси ўртасида жамoа шартномаси қабул қилинмаган. Маъмурият ходим билан меҳнат шартномасини бекор

ўқитувчиси вазифасига ишга қабул қилиб, амалдаги Меҳнат Кодексининг 76-моддаси — «Иш берувчининг муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқини чеклаш» талабини бузди. Буйруқда «муайян муд-

ИШОНЧ ТАҚДИРИ ҲАМ ҲАҚИҚАТ

Жиззах вилоят маданият ходимлари касабa уюшма кўмитаси қонунбузарликка йўл очиб берди

дат»нинг аниқ муддати кўрсатилмаган. Бу билан иш берувчи ходим ҳуқуқини чеклаган.

Ходим Т.Ҳасановга раҳбарнинг 2000 йил 14 декабрдаги 51-сонли буйруғи билан «хайфаси», 2001 йил 29 ноябрдаги 72-сонли буйруғига кўра иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида «жарима» интизомий жазолари қўлланилган бўлса-да, буйруқ етарлигача асослаб берилмасдан, фақат ходимнинг тушунтириш хати билан қиёояланган. Ходим буйруқ билан тилхат асосида таништирилмаган.

Ўқитувчи Т.Ҳасановга нисбатан интизомий жазо — ишдан бўшатиш иш берувчи томонидан 2002 йил 5 июндаги буйруғи билан қўлланилган экан, юқоридаги интизомий жазолардаги каби қонунбузулиш ҳолатлари янада яққолроқ кўзга ташланади. Буйруққа асос қилиб «лицей-интернатнинг ички меҳнат тартиби қоидалари, вилоят маданият ходимлари касабa уюшма кўмитаси ра-

иси Ф.Ҳам заевнинг 2002 йил 5 июндаги розилик хати, Т.Ҳасановнинг тушунтириш хатлари ва билдирешномалар» олинган.

Ахир, ходим Меҳнат Кодексининг 100-моддаси, 2-қисми,

устига «2001 йилнинг 28 августида касабa уюшма кўмитаси билан келишиб тасдиқланди», дейилган мазкур ҳужжат қачон ва қайси йўғилишда қўриб чиқилгани айтилмайди. Унда фақат касабaқум раиси имзоси ва

муҳри бор, ҳолос. Меҳнат Кодексининг 101-моддасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишда касабa уюшма кўмитаси билан келишиб олиш белгилаб қўйилган. Лекин ли-

ма раҳбари «баландрокқа осилиш»ни эп қўрибми, ҳар қалай шу йилнинг 4 июнида вилоят маданият ходимлари касабa уюшма кўмитаси раиси Ф.Ҳамзаевдан ходим Т.Ҳасановни вазифасидан озод қилиш ҳақида ёзма розилик беришни сўрайди. Вилоят тармок ходимлари касабa уюшма кўмитаси раиси Ф.Ҳамзаев ҳам лицей-интернатда «жамoа шартномаси» йўқ қилинганга ишонч ҳосил қилган, ваколати бўлмаса-да 5 июн куни ўзининг ёзма розилигини бериб юборди.

Ана ҳолос! Қилар ишни қилиб қўйиб «сувни лойқалаётган ким?» дея атрофига аланг-жаланг боқётганлар бунинг «уйдаги гапни кўнчага чиқар-

масликка» жон-жаҳдлари билан уринишаётганини қўриб ажаблანасан, киши.

Наҳотки, эллика яқин ходим меҳнат қилаётган мазкур жамoада касабa уюшма ташкилоти атрофида шундай қонунбузарлик рўй берса-у, унинг раиси Маҳбуба Шодиева ҳамда 4 нафар кўмита аъзоси қўллари қўксида раҳбарнинг ноқонуний ишларига «қуллук» қилиб туришса?!

Айтиш мумкинки, жамoада касабa уюшма ташкилоти шунчаки номигагина бор, ҳолос. Афтидан, вилоят ташкилоти, ҳам унинг ҳолидан хабар олишга вақт тополмаётган қўрнана. Шундан бўлса керак, ташкилот раиси М.Шодиева жамoат ишини еплаштирмаяпти.

Аслида тарбиячи бўлиб ишлаётган бу аёл жамoа маънафини эмас, шахсий ҳаловатини йўлаётганга ўхшайди. Биз у кишини излай-излай зўрга уйдан топдик. Касабa уюшма кўмитаси ҳужжатлари билан танишмоқ ниятида эканлигимизни билдирганимизда у: «Бир ҳафта аввал кўмита аъзоси Замира Хонимқуловага барча ҳужжатларни далолатномасиз топширганман», деди. Сўнгра лицей-интернатда жамoа шартномаси тузилмаганлигини таъкидлар экан, касабaқум раиси, беихтиёр, ўқитувчи Т.Ҳасановни маъмурият раҳбари ишдан бўшатишга унга апрель ойида ёзма розилик сўраб мурожаат қилганини айтганида: «Хўш, жамoа шартномаси бўлмагани рост бўлса, унда нега маъмурият раҳбари бошлангич касабa уюшма кўмитасига ёзма мунирожаат қилади», деган саволни бердик. Аммо саволимиз жавобсиз қолди.

Қаранки, лицей-интернатда жамoа шартномаси мавжуд эканлигини касабa уюшма кўмитаси аъзоси, математика фани ўқитувчиси Райҳон Юсупова тасдиқлади. Ҳужжатлар билан танишиш мақсадида кўмита аъзоси З.Хонимқуловага йўлиққаннимизда, у шундай изоҳ берди: «Мен барча ҳужжатларни раисимиз М.Шодиевадан олиб, 5 октябр куни касабa уюшма кўмитаси ҳисобот-сайлов йўғилишидан сўнг сайланган янги раис Ж.Солиева топширганман...»

Хуллас, ана шундай «сичконмушук» ўйини билан янги раис Ж.Солиевни қидиришга тушдик. Янги «раис»нинг айтишича, лицей-интернат касабa уюшма кўмитаси аъзоси З.Хонимқулова раислик қилган йўғилиш кун тартибиде касабa уюшма кўмита раиси ҳисоботи, касабaқум янги аъзоларини сайлаш, кўмита раиси нафақага чиқиши муносабати билан янги раис сайлаш масалалари бўлган. З.Хонимқулова ваколати бўлмаса-да, негадир раис номидан ҳисобот қилган. Лекин нима учундир бу ҳисобот баённомасига илова қилинмаган. Шу йилнинг 14 мартада илм маскани раҳбари касабa уюшма кўмитасига тақдимнома йўллаб, Т.Ҳасановни ишдан бўшатишга розилик сўрайди. 22 апрел куни касабa уюшма кўмитаси ушбу тақдимномасига жавоб бера туриб, бу масалани ўқув йилининг охиригача кечиктириб туришни сўрайди. Бу ҳақда лицей-интернат раҳбари С.Сулаймоновнинг вилоят тармок ходимлари касабa уюшма кўмитаси раисига йўллаган 16-сонли тақдимномасида батафсил айтилган. Шунинг ўзиёқ лицей-интернатда жамoа шартномаси мавжуд эканлигини, инсон тақдири «ўйин» қилинаётганини яққол тасдиқлайди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

Фельетон ўрнида

151-моддасига асосан ходимнинг ишлаган даврида меҳнат таътилидан фойдаланмаганлиги учун пул компенсацияси, меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисидаги огоҳлантириш ўрнига уч иш кўни учун компенсация тўланиши, жазо олгани ҳақидаги буйруқлар сони, санаси, бўлим бошлиғи рапорти қабул қилинган экан, барча зарур асослар етарли бўлиши керак эмасми? Буйруқда МКнинг



28 октябрь-3 ноябрь
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 28

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектелефилми» намойиши: «Портрет».
9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.40 «Туртчи хокимият».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Жабранчиликнинг даъвоси йўқ». Бадий фильм.
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти. «Болалар сайраси»:
12.05 1. «Улғайиш погоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.05 Эстрада тароналари.
13.25 «Ошин». Телесериал.
13.55, 17.00 ТВ анонс.
14.10 «Олтин дала». Пахтакорлар учун дам олиш дастури.
14.40 Кундузги сеанс: «Бузоқ йили». Бадий фильм.
15.55 Самбо бўйича Осиё чемпионати.
16.25 «Калб гавҳари».
16.45 «Тиббиёт оидлари».
17.05 «Бешбармоқ». Тележурнал.
17.50 ТВ клип.
18.10 «Мулк».
18.25 «Тилга эътибор».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.15 «Бир жуфт қўшиқ».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклири.
20.15 «Ватан мадҳи».
20.30 «Ахборот».
20.05 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.25 «Она тилим - жону дилим». Телекомпозиция.
21.45 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».
22.05 Спорт дастури:
1. XIV Осиё ўйинлари якунларига доир. 2. Самбо бўйича Осиё чемпионати.
22.45 «Марсия». Телесериал.
23.40 «Ахборот-дайжест».
00.00-00.05 Ватан тимсоллари.

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: болалар учун концерт.
10.20 Мультфильм.
10.35 Саломатлик сирлари.
10.55 ТВ-анонс.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.30 Мусиқий лаҳзалар.
11.40 «Доктор Финли». Телесериал.
12.30 «Давр» - news.
12.45 Болалар экранни: «Бор экан-да, йўқ экан».
14.05 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
14.25 Кўхна оханлар.
14.35 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.25 Спорт ҳафтаномаси.
15.40 «Қуошқондан чиққанда». Бадий фильм.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» почтаси, Она тилим.
17.30 «Покахонтас». Мультсериал. 6-қисм.
17.55 ТВ-анонс.
18.00 Бугуннинг ёшлари.
18.20 Хуқуқ ва бурч.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўхна оханлар.
19.50 Белида белбоғи борлар.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 Мухаббат қўшиқлари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Кишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида-23.55 Давр.
